

## Йигит ноласи



20:01 / 04.01.2020 5869

Тақдирнинг тақозоси билан йигит, узоқ Шарқнинг Сахалин ўлкаларида қамоқ жазосини ўтарди. Шароит оғир, об-ҳаво жуда ҳам совуқ. Лекин йигит тақводор, Аллоҳдан қўрқадиган инсон эди ва ҳар бир мусулмон банданинг зиммасидаги бажарилиши фарз бўлган намозни ўз вақтида ўқишни яхши биларди.

Йигит шундай қийин шароитга қарамасдан, намозни ўз вақтида адо этишга тиришарди. Унинг тоат-ибодатда собитлигини кўрган, қалблари эса ҳайвон сифат бўлган инсонлар унинг бу ибодатини хуш кўришмасди. Унга намоз ўқитмасликка ҳаракат қилишар, намоз ўқиётган пайтда келиб қолишса, устидан мазах қилиб кулишар, турткилаб ўтишарди. Бўлаётган қаршиликларга қарамай, йигит ибодатни тарк этмас, Аллоҳга қилаётган итоатини қийин ҳисобламасди. Лекин бу ҳолат даҳрийларнинг

жазаваларини баттар қўзир, душманликларини янада кучайтирар эди. Кундан-кунга уни хўрлашар, қийноқлар ортиб борарди.

Иш шу даражага бордики, бир нечта нокаслар уни биргина ички кийимда, Сибирнинг аёзли аччиқ совуғи билан юзма-юз қолдиришди. «Қани Аллоҳинг, сени бир сақлаб олсин-чи!», дея мазах қилишди.

Об-ҳаво совуқ, изғирин, деярли кийимсиз, очиқ ҳавода... Олдинда кучаядиган совуқ қаро тун... Ўлим билан яккама-якка.

Тонг отди. Эрталаб қамоқхона бўйлаб бир хабар яшин тезлигида тарқалди. Кечаси, қўриқчиликда турган икки аскар, совуқдан қотиб ўлиб қолибди. Сал ўтиб, яна бир хабар аввалгисидан тезроқ тарқалди. Тонгда бир маҳбус биттагина ички кийимда қамоқхона маъмуриятига кириб келибди. Субҳаналлоҳ!

Азиз ўқувчи, келинлар, тунда нима воқеа содир бўлганини йигитнинг ўзи ҳикоя қилиб берсин:

«... Шу алфозда, биргина кийимда ҳайдаб чиқаришди. Ҳар қандай қалин кийимда ҳам дош бериш амри маҳол бўлган совуқ. У ёққа юрдим, бу ёққа юрдим, ҳеч қандай паноҳ топгулик жой йўқ. Нажотдан умидим узилиб, охири тақдирга тан бердим. Сўнгги имконим, Роббимга дуо қила бошладим.

«Эй Роббим! Берган умрингга розиман. Мендан рози бўлгин. Мендан ўтган камчиликларимни, гуноҳ-хатоларимни мағфират этгин. Жонимни мусулмон ҳолимда, иймон калимаси ила олгин, Ўзингни раҳматинг ила буркагин. Совуқ борган сари бутун танамни чулғай бошлади. Титрай бошладим. Азои баданим қақшарди. Тилим дуо қилишга ҳам айланмай қолди. Ўлимимни кута бошладим. Кўзларим аста-секин юмиларди. Маълум вақт ўтгач танамга бир нарса текканини ҳис қилдим. Жунли бир нарса эди. Кўзимни аранг очиб қарадим, каттакон қутб айиғи. Улкан, баҳайбат, важоҳатли. Ҳозир менга ташланади, танамни бурдалай бошлайди дея, қимирлашдан ҳам ожиз ҳолимда ётар эдим. Лекин, негадир айиқ шошилмасди. Бир вақт маҳлуқ аста-секин мени ўз қучоғига олди. Танамни айиқнинг иссиқ танаси кўрпа мисоли ёпиб олди. Баданим иссиқ ҳароратни ҳис қила бошлади. Бир неча соатдан бери давом этиб келаётган изғирин совуқ аламидан сўнг, озгина ҳаловатни ҳис қилиб, кўзим секин уйқуга кетди. Кўзимни очсам, тонг отган, ёлғиз ўзим ялангликда ётардим. Оқ айиқ эса ғойиб бўлганди...».

